



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БМТ БОШ КОТИБИННИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ БИЛАН УЧРАШДИ



8 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда ташриф билан бўлиб турган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг биринчи ўринбосари Амина Муҳаммад билан учрашув ўтказди.

Жаҳоннинг бош халқаро ташкилоти делегацияси таркибида учрашувда БМТ Европа иқтисодий комиссияси раҳбари Ольга Алгаерова ва БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий координатори Роли Астхана ҳам иштирок этди.

Мамлакатимизда Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш доирасида БМТнинг институт ва марказлари билан кўп қиррали, самарали ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Делегация раҳбари Ўзбекистон етакчисига ташкилот Бош котиби Антониу Гутерришнинг самимий саломи ва энг

эзу тилакларини етказди. Таъкидланганидек, БМТ давлатимиз томонидан амалга оширилаётган очик ва прагматик сиёсатни, шунингдек, Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган ҳамда 2030 йилга қадар барқарор тараққиёт соҳасидаги глобал кун тартибининг асосий вазифаларига тўлиқ мос бўлган тўб ислохотлар дастурини юксак баҳолайди.

Бугунги кунда Ўзбекистон БМТнинг барча тузилмалари билан фаол ҳамкорлик қилмоқда — биргаликда турли йўналишларда 200 дан зиёд лойиҳалар амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзосидир.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ташаббуси билан ташкилот Бош Ассамблеясининг қатор муҳим махсус резолюциялари қабул қилинди. Бундан ташқари, экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилинган Оролбўйи минтақаси бўйича БМТ Траст фонди ташкил этилди.

БМТ Тараққиёт дастури, Европа иқтисодий комиссияси, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, ЮНИДО, ФАО, глобал ташкилотнинг бошқа тузилмалари билан самарали амалий ҳамкорлик кенгаймоқда.

Учрашувда фаол мулоқот ва алмашинувларни давом эттириш, Ўзбекистонда

Барқарор ривожланишнинг, энг аввало, аҳоли турмуш сифатини яхшилаш ва фаровонлигини юксалтиришга қаратилган асосий мақсадлари ижросини таъминлаш учун ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва қўшма тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Камбағаллиқни қисқартириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларида кенг қўлмалли ислохотларни илгари суриш, гендер тенглик бўйича миллий стратегияни амалга ошириш, "яшил" энергетикани жадал ривожлантириш, инновациялар ва рақамли технологияларни жорий этиш, инфратузилмани мо-

дернизация қилиш ва бошқа масалалар яна бир бор шериклиқнинг ўстувор соҳалари сифатида қайд этилди.

Халқаро сиёсат масалалари ва минтақавий муаммолар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

БМТ Бош котибининг биринчи ўринбосари Амина Муҳаммад Марказий Осиё мамлакатлари минтақада дўстлик, яхши қўшничилик, ишонч ва шериклик муносабатларини мустаҳкамлашда улкан муваффақиятларга эришганини катта мамнуният билан қайд этди.

Ўзбекистоннинг Афғонистонда бардавом тинчликни таъминлашга ҳамда ушбу мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий

тикланишига, шу жумладан, йирик транспорт ва энергетика лойиҳаларини илгари суриш орқали қўмақлашиш борасидаги саяё-ҳаракатларини қўллаб-қувватлади. Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти институт ва тузилмалари билан кенг қўлмалли ҳамкорлигини қабул қилинган "йўл харита"лари асосида янада ривожлантириш бўйича қўшма чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш юзасидан келишувга эришилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ СОҲАСИДАГИ ЛОЙИҲАЛАР ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 8 июнь куни сув омборларини модернизация қилиш ҳамда Сурхондарё вилоятида ичимлик суви таъминотини яхшилаш лойиҳаларига оид тақдимот билан танишди.

Дарё ва сойлар суви ҳам қишлоқ хўжалиги, ҳам энергетика, ҳам аҳоли турмуши учун муҳим манба. Мамлакатимизда бу қимматли неъмат асраб-авайланиб, халқ манфаатига йўналтирилмоқда.

Шу мақсадда 2017 йилда Президент фармони билан "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамияти ташкил этилган эди. Ўтган йили яна 4 та сув омбори ушбу жамият бошқарувига ўтказилди ва улар 6 тага етди. Хорижий компанияларни жалб этган ҳолда ҳар бир сув омборининг техник ҳолати ўрганиб чиқилди ва кечиктириб бўлмайдиган таъмирлаш тадбирлари белгиланди. Унга мувофиқ, тўғонлар, сув олиш ва чиқариш иншоотлари таъмирланмоқда, насос агрегатлари тикланмоқда.

Тақдимотда ушбу ишлар ва олдindaги вазифалар ҳақида ахборот берилди.

Давлатимиз раҳбари барча сув омборларини модернизация қилиш орқали хавфсизлигини ошириш, гидромеханик ускуналар ва ўлчов

қурилмаларини янгиллаб, тизимни рақамлаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

Бу орқали ҳамма иш жараёни акциядорлик жамиятининг ситуацион-таҳлил марказига он-лайн уланади ҳамда йилга қўшимча 120 миллион киловатт соат электр ишлаб чиқариш имконияти яратилади.

Бундан ташқари, Ҳисорак ва Оҳангарон сув омборларида йиллик 22 миллион киловатт соат қувватли 2 та янги кичик ГЭС қурилади.

Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлигига сув омборлари ҳолатини мониторинг қилиб, космик сурат ва маълумотлар билан таъминлаш топширилди.

Кичик гидро электр станциялари қурилишига хусусий секторни жалб қилиш, олий маълумотли ва ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлаш вазифалари ҳам кўрсатиб ўтилди.

Аҳолининг ҳаёт сифати ва саломатлиги омилларидан бири — тоза ичимлик суви.

Лекин бугунги кунда Сурхондарё аҳлининг аттиги 58 фоизи марказлашган ичимлик суви билан таъминланган, холос. Вилоятнинг жанубий туманлари ва Термиз шаҳрида сув минерализацияси миқдори юқори.

Шу боис, Президентимиз ўтган йили Тўпаланг сув омборидан тармоқ тортиш ташаббусини илгари сурган эди. Бу бўйича лойиҳа ишлаб чиқилиб, ишга киришилди. Бугунгача 47 километр қувур тортилиб, ичимлик суви Сарийосиё марказигача олиб борилди. Йил якунигача Денов ва Шўрчи туманларига етказиш режалаштирилган.

Лойиҳага кура, бир кеча-кундузда 200 минг куб метр сув тозалаш иншооти, қарийб 400 километр магистрал қувур тортилади. Натижада ҳудуд аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш 90 фоизга етади.

Давлатимиз раҳбари бунинг учун туман ва маҳаллалар ичидаги қувурларни ҳам тиклаш, янги тармоқлар қуриш ва сифатли хизматни йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ВА ФАХРИЙЛАРИНИНГ МОДДИЙ ТАЪМИНОТИНИ ЯХШИЛАШ ҲАМДА ЁЛҒИЗ КЕКСАЛАР ВА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари, фашистлар концлагерларининг вояга етмаган собиқ маҳбуслари ва Ленинград шаҳри қамал қилинган даврда ишлаган фуқаролар, кексалар, ногиронлиги бўлган шахсларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилишни қучайтириш, уларга кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар сифатини янада ошириш ҳамда ушбу фуқароларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг шаффоф ва самарали механизмларини жорий этиш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ: 1941-1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва

фашистлар концлагерларининг вояга етмаган собиқ маҳбуслари ва Ленинград шаҳри қамал қилинган даврда ишлаган фуқароларга, шунингдек, ўзгалар парварishiга муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга бепул етказиб бериладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда гигиена товарлари ўрнига ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида қўшимча тўлов (кейинги ўринларда — қўшимча тўлов) тўлаб борилади;



Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 2020-2030 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН СТРАТЕГИЯСИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5853-сон ҳамда 2022 йил 28 январдаги "2022-2026 йилларга

мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сон фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси доирасида:

а) аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва жорий этиш йўналишида 2022 йил якунига қадар:



Давоми 2-бетда

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

КАДАСТР ТИЗИМИДА ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ ВА ИЖРО ИНТИЗОМИ — МУҲИМ ВАЗИФА

Президентимизнинг "Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак" деган сўзлари давлат идоралари раҳбарларидан тортиб, оддий ходимларнинг ҳам кундалик шиориға айланди. Бугун ҳар бир соҳа, ҳар бир ташкилот халқ учун, унинг турмуш тарзини яхшилаш учун хизмат қилмоқда.

2020 йил 7 сентябрда кадастр соҳасини ислоҳ қилиш мақсадида давлатимиз раҳбарининг "Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ва "Ўзбекистон

Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Бундан бир неча йиллар аввал юртимизда ер ва кадастр билан боғлиқ

қўллаб муаммолар қузатилди. Уларни бартараф этиш ва соҳани тартибга солиш бўйича бир қанча ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Албатта, бу ўз самарасини берди, бироқ муаммолар тўлалигича ўз ечимини топмади. Шунинг учун соҳа фаолиятини қайта кўриб чиқиш, унинг аниқ функционал вазифаларини белгилаб олиш, такоррланаётган вазифаларни тўхтатиш ва соҳага хос бўлмаган йўналишлардан воз кечишга қарор қилинди.



Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
2020-2030 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН СТРАТЕГИЯСИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИНИ
САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Тошкент ва Фарғона вилоятларида Ўмон Султонлигининг Атяб интернейшнл сервис (Atyab International Service) компаниясини жалб этган ҳолда, маҳсулот етиштирувчилар томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги, сифат назорати, халқаро тан олинган сертификацияга тизимларини ўз ичига олган, аккредитациядан ўтган лабораториялар ишга туширилади;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги муассислигида Қўқон озиқ-овқат технологияси ва муҳандислиги халқаро институти ташкил этилади. Мазкур институтга халқаро таълим стандартлари даражасидаги халқаро бозорларда тан олинган сифат стандартларини (Global G.A.P, Organic, HACCP ва бошқалар) жорий этишга қодир юқори малакали кадрларни тайёрлаш вазифаси юклатилади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.Ходжаев, А.Шукуров) 2022 йил якунига қадар озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича аккредитациядан ўтган лабораторияларни ишга тушириш, Қўқон озиқ-овқат технологияси ва муҳандислиги халқаро институтини ташкил этиш, унинг фаолиятини йўлга қўйиш чораларини кўрсин;

б) кулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш йўналишида жорий йил якунига қадар: халқаро молия институтилари маблағлари ҳисобидан аграр соҳада умумий қиймати 400 миллион АҚШ долларигача бўлган миқдордаги инвестиция лойиҳалари ишга туширилади;

хар бир ҳудудда камида биттадан агрологистика марказлари барпо этилади. Мазкур марказларда халқаро бозорларда тан олинган сифат сертификатларини олиш имконияти яратилади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.Ходжаев, Ш.Мирзаев, Х.Каримов) Қорақалпо-

ғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда лойиҳаларни шакллантириш, ташаббускорларни аниқлаш ва уларни ўз вақтида ишга тушириш чораларини кўрсин;

в) соҳада давлат иштирокини камайтириш, инвестициявий жозибадорлиқни ошириш ва қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш йўналишларида 2022 йил якунига қадар:

Жаҳон банкнинг “Фарғона водийсида қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш” лойиҳаси доирасидаги маблағлар ҳисобидан Андижон вилоятининг танлаб олинган Олтинкўл, Наманган вилоятининг Чуст ва Фарғона вилоятининг Риштон туманларида инновацион усулларни қўллаган ҳолда, интенсив усулда мева-сабзавот етиштириш бўйича махсус (пилот) лойиҳалар амалга оширилади;

Туркиянинг Газантеп пистачилик илмий-тадқиқот институти билан биргаликда Самарқанд вилоятида Ўзбекистон — Туркия пистачилик илмий маркази ташкил этилади, Туркиянинг серҳосил писта навлари коллекцияси асосида миллий писта навларини яратиш ва уларнинг оналик кўчатзорларини ташкил этиш ҳамда Нуробод туманини пистачиликка ихтисослаштириш чоралари кўрилади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.Ходжаев, Х.Каримов, А.Шукуров) 2022 йил якунига қадар:

хусусий секторни жалб этган ҳолда, мазкур туманларда амалга ошириладиган интенсив усулда мева-сабзавотчилик лойиҳаларини ишга тушириш чораларини кўрсин;

Самарқанд вилоятида Ўзбекистон — Туркия пистачилик илмий марказини ташкил этиш, миллий писта навларини яратиш ва Нуробод туманини пистачиликка ихтисослаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин;

г) ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш йўналиши доирасида:

космик суратлар ва учувчисиз учиш аппаратларининг материаллари ҳамда дала кузатув маълумотларини таҳлил қилиш орқали 3 миллион гектардан ортиқ суғориладиган ерлар, 400 минг гектардан ортиқ кўп йиллик дарахтзорлар ва 450 минг гектардан ортиқ лалми ерларнинг тизимли мониторинги йўлга қўйилади;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда жорий йилда 1-иловада келтирилган прогноз кўрсаткичларга мувофиқ, 133,5 минг гектардан ортиқ ер майдонлари қайта фойдаланишга киритилади ва ўзлаштирилади;

қишлоқ хўжалиги ерларининг геоахборот тизимида 6 турдаги асосий (пахта, ғалла, шоли, картошка, маккажўхори ҳамда мойли экинлар) қишлоқ хўжалиги экинларининг экилиши, вегетация даврини таҳлил қилиш йўлга қўйилади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.Ходжаев, М.Рўзметов), Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Хамраев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари 2022 йил якунига қадар мазкур кичик банддаги чора-тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишига шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин;

д) қишлоқ хўжалигида илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш йўналишида: Андижон, Наманган, Фарғона, Жиззах, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида агрохизматлар марказлари ташкил этилади ва 100 дан ортиқ хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилади;

халқаро молия институтиларининг жалб этилган грант маблағлари ҳисобидан:

2023 йил ҳосили учун маҳаллий шaroитга мос серҳосил, касаллик ва зараркундаларга, сувсизликка чидамли пахтанинг 4 та, бошоқли доннинг 6 та нави амалиётга жорий этилади;

хусусий секторни жалб қилган ҳолда, картошканинг серҳосил, касаллик ва за-

раркундаларга, сувсизликка, шўрга чидамли вирусси (“in vitro”) “Супер элита” ва “Элита” навларига мансуб 4 миллион дона (йилга) микротуганак етиштирилади; ихтисослашган ҳудудларда картошка, жумладан, унинг янги навларини етиштириш бўйича кўргазмали дала майдонларини ташкил қилиш ва янги навларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш чоралари кўрилади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев, Х.Каримов, А.Шукуров) 2022 йил якунига қадар 2023 йил ҳосили учун пахтанинг 4 та, бошоқли доннинг 6 та навини амалиётга жорий этсин, шунингдек, картошканинг 4 миллион дона (йилга) микротуганакларини етиштириш, ҳудудларда картошка етиштириш бўйича кўргазмали дала майдонларини ташкил қилсин ва янги навларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этсин;

е) тармоқ статистикасининг шаффоф механизмини ишлаб чиқиш йўналишида 2022 йил якунига қадар:

“Ягона дарча” тамойили асосида фермер хўжалиқларига пахта, ғалла ва бошқа маҳсулотларни етиштириш учун имтиёзли кредит ажратиш, суғурталаш, шартномаларни электрон расмийлаштириш, техникаларни лизингга олиш, агротехник тадбирларни амалга оширишда таъминот ва хизмат кўрсатишни ўз ичига олган “Агроплатформа” (agropлатформа.uz) ахборот тизими ишга туширилади;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига ажратилаётган 26 турдаги субсидиялар бўйича ҳужжатларни тўплаш, қўриб чиқиш ҳамда ваколатли орган ва ташкилотлар билан келишми жараёнларини “Агросубсидия” ахборот тизими орқали амалга ошириш йўлга қўйилади;

Фарғона ва Самарқанд вилоятларида сув баланси ва сарфи ҳисобини юритиш ҳамда ерларни тўғри суғориш ишларини масофавий мониторинг қилишининг электрон модели ишлаб чиқилади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.Ходжаев, Қ.Юлдашев), Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (А.Исроилов), Сув хўжалиги вазирлиги (А.Назаров) маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда 2022 йил якунига қадар мазкур тизимларни ишга тушириш орқали электрон хизматларни кўрсатишни ташкил этсин.

2. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.Ходжаев, А.Шукуров):

а) 2022 йил якунига қадар Жаҳон банкнинг маблағлари ҳисобидан: хусусий секторни жалб этган ҳолда Ўзбекистонда мавжуд генофонддан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги экинларининг бирламчи уруғчилиги ва дургайларини яратишнинг самарали тизимини йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон — Сербия қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилиги илмий марказини ташкил этиш;

Халқаро картошкачилик маркази (CIP) билан ҳамкорликда картошканинг серҳосил, касаллик ва зараркундаларга, сувсизликка, шўрга чидамли навлари селекцияси ҳамда уруғчилигини йўлга қўйиш учун қўшма лойиҳани амалга оширсин;

б) Молия вазирлиги (Т.Ишметов) билан биргаликда бир ой мuddатда Жаҳон

банкни иштирокидаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳаси ҳисобидан қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш лойиҳалари учун 20 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағларни йўналтириш чораларини кўрсин;

в) Халқаро қишлоқ хўжалиги университетини ташкил этиш, Тошкент давлат аграр университетини модернизация қилиш учун Жаҳон банки иштирокидаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳаси ҳисобидан 17 миллион АҚШ доллари, Европа Иттифокининг “Бюджетни қўллаб-қувватлаш” дастури маблағлари ҳисобидан 6 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар ажратилишини таъминласин.

4. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А.Ходжаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари белгилансин.

Мазкур қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ш.М.Фаниев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2022 йил 7 июнь

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ВА ФАХРИЙЛАРИНИНГ
МОДДИЙ ТАЪМИНОТИНИ ЯХШИЛАШ ҲАМДА ЁЛҒИЗ КЕКСАЛАР ВА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН
ШАХСЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

1941-1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва фашистлар концлагерларининг вояга етмаган собиқ маҳбۇслари ва Ленинград шаҳри қамал қилинган даврда ишлаган фуқароларга бепул етказиб бериладиган зарур кийим-кечак ва пойабзаллар ўрнига кийим-кечак хариди учун ҳар йили август ойида базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 баравари миқдорида тўланадиган компенсация (кейинги ўринларда — компенсация) жорий этилади.

Бунда, қўшимча тўлов Тиббий-ижтимоий хизматларини ривожлантириш агентлиги томонидан пенсияларни ва нафақаларни тайинлашга масъул бўлган ташкилотга ўзгалар парварishiга муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ёки ногиронлиги бўлган шахслар тўғрисида

тақдим этиладиган маълумотлар асосида амалга оширилади.

Белгилансинки, компенсация ва қўшимча тўловлар мазкур бандда келтирилган шахсларга, уларнинг пенсиялар ва нафақалари тўланадиган тартибда тўланади.

2. Қўшимча тўлов ва компенсацияларни молиялаштириш қўйидагилар:

а) Пенсия жамғармаси ҳисобида турган пенсия ва нафақа олувчиларга: қўшимча тўловлар — Пенсия жамғармаси маблағлари;

компенсациялар — Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари;

б) Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат ҳақсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, Олий суд,

Конституциявий суд, Судьялар олий кенгаши, Бош прокуратура, Электрон технологияларни ривожлантириш маркази, Миллий гвардия ва Давлат божхона қўмитаси томонидан тайинланган пенсия ва нафақаларни олувчиларга қўшимча тўловлар ва компенсациялар мазкур вазирлик ва идораларга ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Молия вазирлиги ушбу қарорда кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган маблағлар 2022 йилда Давлат бюджети параметрларида 1941-1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва фашистлар концлагерларининг вояга етмаган собиқ маҳбۇслари ва Ленинград шаҳри қамал қилинган даврда ишлаган фуқароларга, шунингдек, ўзгалар парварishiга муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга

бепул етказиб бериладиган озиқ-овқат маҳсулотлари, гигиена товарлари ва кийим-кечаклар учун назарда тутилган маблағларнинг чекланган миқдорлари доирасида ажратилишини таъминласин.

4. Иқтисодий тараққиёт ва камбағаллиқни қисқартириш вазирлиги, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Ёшлар ишлари агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари мазкур қарорнинг 1-бандида келтирилган имтиёзли тоифадаги шахсларга маҳаллий бюджет, “Саховат ва кўмак” жамғармаси, “Ёшлар дафтра”га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва “Аёллар дафтра”и рўйхатга киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қўшимча равишда

моддий кўмак ва ижтимоий ёрдам кўрсатиб боришни таъминласин.

5. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ушбу қарорнинг мақсад ва вазифалари босма ва электрон ахборот воситаларида, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали аҳоли ўртасида мунтазам, тизимли ва кенг қўламда ёритиб борилишини таъминласин.

6. Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2022 йил 8 июнь

Ш. МИРЗИЁЕВ

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

КАМРОҚ ХАРАЖАТ БИЛАН КЎПРОҚ ИШ ЎРНИ ЯРАТИШ

Техника тараққиёти туфайли бутун дунё саноатида автоматлаштириш жараёни жадаллашиб бормоқда. Табиийки, ушбу ҳолат ишлаб чиқаришда инсон омилини камайтирган ҳолда иш ўринлари қисқаришига сабаб бўляпти.

Ана шундай шароитда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Боиси, ушбу йўналишда кам харажат билан кўп аҳолининг бандлигини таъминлаш имкони мавжуд. Шу боис, ҳудудларда маиший хизмат ўйлари ташкил этилмоқда, ишсизлар касб-хунарга ўргатилиб, маблағ ва шароит билан таъминланаяпти.

Президентимизнинг жорий йил 27 январдаги “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишлар ривожига муҳим ўрин тутмоқда. Хусусан, қарорга мувофиқ, бу соҳага қўллаб енгилликлар берилиб, имтиёзли ресурслар ажратилди. Булар орқали жорий йилда 120 мингдан ортиқ янги лойиҳаларни амалга ошириб, хизматлар ҳажмини 435 триллион сўмга етказиш режа қилинган.

Давлатимиз раҳбари раислигида 7 июнь куни ўтказилган хизматлар кўрсатишни ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишида ушбу йўналишдаги ишлар таҳлил қилинди.

Бухоро тажрибаси оммалаштирилади

Йиғилишда хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича 9 ой ва йил якунигача бўлган режалар муҳокама қилинар экан, бу борада Бухоро тажрибаси намуна қилиб кўрсатилди.

Жамол НОСИРОВ,
Бухоро шаҳар ҳокими:

— Бухоро шаҳрида хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун барча имконият, юқори потенциал мавжуд. Айталик, биргина туризм йўналишини оладиган бўлсак, бу йил охиригача шахримизга 2,5 миллион чет эллик ва маҳаллий сайёҳлар келиши кутиляпти.

Шаҳримизда сайёҳлар ўртача ҳисобда уч кун бўлади. Агар биз маданий мерос объектларини туризм йўналишларига қўшиш, сифатли хизмат кўрсатиш, кўнгилочар тадбирлар ташкил этиш орқали уларни яна бир кун Бухорода сақлаб қололсак, тадбиркор ва ҳунармандлар, умуман, соҳа вакиллари 600 миллиард сўм қўшимча даромадга эга бўлади. Бу, ўз навбатида, шаҳар бюджетига қўшимча 30 миллиард тушумни таъминлайди.



Шунингдек, шаҳримизда бўш турган бинолардан самарали фойдаланиш, кўп қаватли уйларнинг пастки қаватларида турли хизмат кўрсатишни ташкил этиш эвазига йил охиригача яна 2 мингта қўшимча иш ўрни яратиш имкониятимиз бор.

Хозирги глобаллашув жараёнида бутун дунё саноатида иш ўрни ҳажми қисқариб бораверади. Чунки уларнинг ўрнини замонавий техникалар эгалляпти. Биз ҳо-лайимизми-йўқми, хизматлар кўрсатишни ривожлантириш орқали ушбу бўшлиқни тўлдиришимиз керак.

Комил ХОЛМУРОДОВ,
Жиззах шаҳар ҳокими:

— Жиззах шаҳрида хизматлар кўрсатишни ривожлантириш бўйича тасдиқланган “Йул харитаси”га мувофиқ, 5 та асосий йўналишни белгилаб олганмиз. Жумладан, биринчи йўналишимиз хизматлар соҳасида туну кун ишлайдиган 4 та кўча ташкил қилиш, ер майдонларини аукционга чиқариш, таълим соҳасида хусусий сектор улушини ошириш, тиббиётда хизматлар кўрсатиш қўламини кенгайтириш, шунингдек, янги қурилган кўп қаватли уйларнинг ертўлопларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйишни режа қилиб олганмиз.

Туризм йўналишида ҳам ҳали қилиниш керак бўлган ишларимиз жуда кўп. Шу вақтгача шаҳримизда 8 та меҳмонхона фаолият юритган бўлса, айни пайтга келиб уларнинг сони 30 тага етди, уй меҳмонхоналари эса 20 тадан ошди.

Шаҳримизнинг Жиззахлик маҳалла-сидаги Истиклол кўчаси яқин пайтгача



боши берк кўча эди. Ушбу кўчани мутахассислар билан ўрганиб, унда хизматлар кўрсатишни ривожлантириш лойиҳасини амалга оширдик.

Хусусан, аввало, тўрт қаторли йўл, пиёдалар ва велойўлаклар барпо этилди, яъни зарур инфратузилма яратилди. Натижада 16 та лотга қўйилган ер майдонлари қарийб 3 миллиардга сотилди, яна 16 таси сотувда.

Умумий таҳлилларимиз бўйича саноат йўналишида битта иш ўрни яратиш 95 миллион, қурилишда 78 миллион сўмга тўғри келяпти. Хизматлар кўрсатиш соҳасида эса битта иш ўрни яратиш учун

талаб этиладиган маблағ 20-30 миллионни ташкил этмоқда. Кўрииб турибдики, йиғилишда давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Хизматлар — кам харажат билан кўп аҳолининг бандлигини таъминласа бўладиган соҳа”.

Соҳани ривожлантириш юзасидан қўрилаётган чоралар, амалий ишлар туфайли ўтган йилнинг мос даврига нисбатан шаҳримизда хизмат кўрсатиш ҳажми 30 фоизга ошди. Мавжуд 78 минг меҳнат ресурсларининг 33 мингдан ортиғи, яъни 42 фоизи хизмат кўрсатиш соҳасига тўғри келаётгани ҳам унинг ривожидан далолат беради, албатта.

Лекин бу тўлақонли натижа эмас. Чунки ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар, таҳлил қилинмаган йўналишларимиз кўп. Йиғилишда давлатимиз раҳбари айнан мана шулардан самарали фойдаланиш бўйича тавсия ва топшириқлар берди.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Аваз ХУДОЙҚУЛОВ ёзиб олди.

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

КАДАСТР ТИЗИМИДА ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ ВА ИЖРО ИНТИЗОМИ — МУҲИМ ВАЗИФА

Фаррух ПЎЛАТОВ,
Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги
Кадастр агентлиги директори

 Бошланиши 1-бетда

Иш қачон яхши бўлади? Қачонки нима иш қилишингизни аниқ билсангиз. Вазифангиз аниқ бўлмаса, ўз-ўзидан бефарқлик ва масъулиятсизлик юзага келади. Бу эса ишда ва ижро интизомида тартибсизликларни келтириб чиқаради.

Президентимизнинг юқорида қайд этилган фармони ва қарори билан йиллар мобайнида кадастр идоралари ходимлари томонидан функционал вазифасига кирмасда, амалда бажариб келинган бир қатор вазифа ва функциялар тегшли давлат идораларига ўтказилди. Кадастр идораларининг аниқ вазифалари белгилаб берилди.

Кадастр агентлиги ўз ваколати доирасида аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, соҳани рақамлаштириш, ер муносабатларида шаффоф тизим яратиш, қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш, давлат кадастрларини тўлиқ шакллантириш, кўчмас мулкни давлат рўйхатидан ўтказишни тартибга солиш ва бошқа йўналишларда тизимли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Шунга қарамай, соҳада ҳали муаммолар борлигини инкор қилолмаймиз. Айнан уларни аниқлаш ва ечим топиш мақсадида ўзимиз жойларга чиқиб, фуқаролар ҳамда тадбиркорлар билан суҳбатлар ўтказмоқдамиз.

Кадастр агентлиги раҳбарияти томонидан жорий йил давомида **Навоий, Андижон, Бухоро, Хоразм, Тошкент, Фарғона, Сурхондарё вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида** сайёр қабуллар ташкил этилди.

Сайёр қабуллар ўтказиш орқали қўлаб фуқароларни неча йиллардан бери қийнаб келаётган муаммоларига ечим топишмоқда. Ишончим комилки, бундай ишлаш услуби иш сифатини ва аҳолининг давлат идораларидан рози бўлиш даражасини сезиларли оширади.

ИЖРО ИНТИЗОМИ — ДОИМИЙ НАЗОРАТДА

Амалга оширилаётган ислохотлардан қўзланган натижага эришишда бевосита ҳар бир ташкилотда мустаҳкам ижро интизоми йўлга қўйилиши муҳим аҳамиятга эга.

Президентимиз томонидан давлат идоралари ва ташкилотларда ижро интизоми янада мустаҳкамлаш мақсадида қабул қилинган “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳар бир давлат хизматчиси масъулиятини янада оширди.

Шунингдек, 2021 йилда Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси Р.Абдуқодиров билан “Янги Ўзбекистон” газетасида эълон қилинган суҳбатда билдирилган фикр ва мулоҳазалардан Президентимизнинг давлат органлари ишини янгича ташкил қилиш борасидаги маъруз фармонининг мазмун-моҳиятини чуқур англаб етиш мумкин.

Фармон ва газетадаги суҳбатда келтирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги тизимида ҳар бир раҳбар ходим ижро интизоми янада мустаҳкамлаш бўйича қуйидаги устувор йўналишларни белгилаб олди:

биринчидан, берилган топшириқлар ижросига шахсан киришиш ва ишни тўғри ташкил этиш. Масаланинг моҳиятини чуқур англаган ҳолда, унинг ижросини таъминлаш; **иккинчидан**, аҳоли ҳамда тадбиркорларнинг муаммоларини ўрганган ҳолда, уларнинг оғирини енгил қиладиган қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва шу кунгача фойдаланилмаган имкониятларга алоҳида эътибор қаратиш;

учинчидан, хорижий давлатларнинг илгор тажрибалари асосида тақлифлар ишлаб чиқиш ва уларни юқори даражадаги малакали экспертлар таҳлилидан ўтказиш;

тўртинчидан, топшириқлар ижросида муаммолар ва тушуновчиликлар келиб чиқмаслиги учун муддатлар ва масъуллар аниқ белгиланишини таъминлаш;

бешинчидан, қабул қилинган қарорлар моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш мақсадида оммавий ахборот воситалари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг моҳиятини улар орқали кенг жамоатчиликка тушунтириб бориш;

олтинчидан, ижро интизомига ахборот технологияларини кенг жорий қилиш орқали иш самарадорлигини ошириш.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг бир қатор ҳужжатлари билан ер муносабатларини тартибга солиш борасида Кадастр агентлигига муҳим вазифалар белгилаб берилганга алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Ўзбекистон Президентининг 2020 йилдаги “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда 2021 йилдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан Кадастр агентлигига ерларнинг аниқ ҳисобини юритиш, электрон хариталар яратиш, ер участкаларининг ўзбошимчилик билан эгаллаб олинishi ҳамда иморат қурилишини аниқлаш, ер участкаси чегараларини ўзбошимчилик билан ўзгаришига йўл қўймаслик чораларини кўриш вазифалари юкланган.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг жорий йил қабул қилинган “Ер участкаларидан фойдаланишда давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан 2022 йил 1 мартдан бошлаб аҳоли ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ер участкаларининг ўзбошимчилик билан эгалланиши ва улардан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари бўйича маълумотларни Кадастр агентлигига юбориш тартиби ўрнатилди.

Мулкдорлар ҳуқуқини кафолатлаш ва фуқароларнинг кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнларининг қонун билан белгиланишига эришиш мақсадида “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича маълумотларни Кадастр агентлигига юбориш тартиби ўрнатилди.

Айтиш жоизки, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, ҳудудий бошқармалар ва тизим ташкилотларида барча идоравий ҳужжатлар, мурожаатлар, бўйруқлар ва бошқа ички ёзишмалар **Электрон ҳужжат алмашиш автоматлаштирилган ахборот тизими** орқали амалга ошириб келинади.

Келиб тушган мурожаатлар йўналишига қўра, раҳбарият ҳамда таркибий бўлинмалар томонидан тезкорлик билан кўриб чиқилиши йўлга қўйилган.

Шу билан бирга, Кадастр агентлигида фуқаролар мурожаатлари ёзма, электрон шаклда info@kadastr.uz манзили ёки **1097** ишонч телефони орқали қабул қилинади ва йўналишидан келиб чиққан ҳолда, тоифаларга ажратиб ўрганилади, зарурат бўлганда, маълумот олиш мақсадида ҳудудлардаги ижрочиларга тезкорлик билан етказилади.

Жорий йил бошидан буён Кадастр агентлигига фуқаролар ва тадбиркорлардан келиб тушган **10 796** та мурожаат кўриб чиқилган, шундан **81 фоизи** қаноатлантирилган, **19 фоизига** ҳуқуқий тушунтириш берилган.

Кадастр идораларига аҳоли кўчмас мулкни давлат рўйхатидан ўтказиш, кадастр паспортини расмийлаштириш каби турли масалаларда мурожаат қилади. Келиб тушган ҳар бир мурожаатга алоҳида эътибор қаратилади.

Таъбир жоиз бўлса, ходимлар фуқаролар билан соатлаб суҳбат қилишга, муаммо моҳиятини тушунишга астойдил ҳаракат қилади. Асосий вазифаларимиздан келиб чиқиб, белгиланган муддатларда мурожаатларни кўриб чиқамиз.

Агентликда ижро муддатига rioя қилиш қатъий назорат остида. Кадастр агентлигининг ҳудудий бошқармаларига жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда раҳбар ва масъул ходимлар томонидан камчилик ва қонуёнзарликларга йўл қўйилгани учун жавобгарликка тортилиш ҳолатлари ҳам мавжуд. Жумладан, 2022 йилнинг ўтган даврида **5** та жарима ва **14** та ҳайфсан, жами **19** та интизомий жазо чораси қўлланилган.

АҲОЛИГА ЯРАТИЛАЁТГАН ҚУЛАЙЛИКЛАР

Кадастр идоралари томонидан аҳолига 10 дан ортиқ турдаги хизматлар кўрсатилади. Биз барча хизматларимизни тўлиқ давлат хизматлари марказлари орқали амалга оширишни йўлга қўйдик. Бу орқали аҳолининг ортиқча овозгарчилиги олди олинди.

Шунингдек, барча хизматларимиз бўйича Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилиш имкониятини яратдик.

Агар фуқаро ёки тадбиркорлар my.gov.uz орқали мурожаат қилса, давлат хизмати кўрсатилгани учун **тўловнинг 90 фоизини тўлайдиган бўлди**. Бу аҳолиимиз учун яратилган қулайликларга биргина мисол, холос.

Кадастр агентлиги томонидан жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига **8 миллион** кўчмас мулк объекти кадастр базасида ҳисобга олинган. Илгари ҳисобга олинмаган **486,4 мингта** янги объект ва **489,5 мингта** қўшимча қурилма аниқланган. Кўчмас мулкка бўлган **692 972** та ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилган. Шундан **61 397 таси** янги, **631 575 таси** қайта рўйхатдан ўтказилган.

Таъкидлаш керакики, кадастр органларига ер ажратиш масаласи бўйича фуқаролардан қўлаб мурожаатлар келиб тушади. Ваҳоланки, Кадастр агентлигида ер ажратиш бўйича ҳеч қандай ваколат мавжуд эмас.

Қонунчиликда тадбиркорлик ва шахарсозлик, уй-жой қуриш мақсадлари учун ер участкалари онлайн аукцион орқали, қишлоқ хўжалиги ерлари эса электрон танлов орқали ажратилиши белгиланган.

Жорий йилнинг февраль ойидан бошлаб, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини ажратиш бўйича янги тартиб жорий этилганидан сўнг ерларни аукционга чиқариш ишлари янада жадаллаштирилди.

Фуқаро ҳамда тадбиркорларимиз e-auction.uz сайти орқали ушбу ерлар ҳақида қайсида маълумот олишлари, шунингдек, аукционда иштирок этишлари мумкин.

Аҳолига яна бир қулайлик яратиш мақсадида Кадастр агентлиги томонидан yerelektron.uz платформаси ишга туширилди. Платформа орқали фуқаро ҳамда тадбиркорлар ўзларига маъқул ер майдонларини аукционга чиқариш бўйича буюртма беришларига имконият яратилди.

ЕР ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ВА УНИНГ НАЗОРАТИ

Президентимиз раислигида 2021 йил 21 декабрь куни ўтказилган йиғилишда ер ҳисоби ва давлат кадастрларини шакллантириш, соҳага рақамли технологияларни жорий этиш юзасидан аниқ топшириқлар белгилаб берилди. Шу

асосда Кадастр агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари, тизим ташкилотларида барча йўналишларда ишлар ўрнатилган тартибда ташкил этилди.

Республикаимизнинг жами ер майдони **44,9 миллион гектар** бўлиб, жорий йилнинг 4 июнь ҳолатига **92** фоизининг электрон харитаси яратилди.

Кадастр агентлиги ва унинг ҳудудий тузилмалари томонидан жойларда самарали ер ва кадастр назоратини амалга ошириш бўйича олиб борилган назорат тадбирлари натижасида 2022 йилнинг ўтган даври давомида жами **7 мингдан ортиқ** ҳолатда **2,6 минг гектар** ерни ўзбошимчилик билан эгаллаб олиш ҳолатлари аниқланди.

7 564 та қонунбузарлик ҳолати бўйича уларни содир этган шахсларга огоҳлантириш хатлари юборилиб, шундан **3 575 таси** фуқаролар томонидан ихтиёрий равишда бартараф этилди.

Қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан **2 757** та ҳолатда судларга даъво аризаси киритилди, шунингдек, тўпланган **616** та ҳужжат прокуратура органларига ҳамда **163 таси** Мажбурий ижро бюросига юборилди.

Бугун юртимизда ер олиш, ундан фойдаланишнинг қонуний механизмлари бўлишига қарамай, ҳамон ерни ўзбошимчилик билан эгаллаш ҳолатлари давом этаётгани дилни хира қилади.

Ер энг катта бойлигимиз, ҳаётимиз манбаи экани, фарзандларимиз келажаги, эртанги кунимиз ерга боғлиқлигини эсимиздан чиқармаслигимиз керак. Аслида ерни асраб-авайлаш, ундан оқилона фойдаланишни назорат қилиш фақат давлат идораларининг эмас, балки барчанинг бурчидир.

Жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида **1097 ишонч рақами, www.kadastr.uz** сайти ва **@e_yer_nazorat_bot** телеграм бот орқали ерга оид қонунбузарликлар ҳақида хабар бериш тизими жорий этилди. Энди ер участкаларининг ўзбошимчилик билан эгаллаб олинishi ва улардан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари бўйича ҳар ким фотосурат ва видеоёзувлар жўнатиши мумкин. Ҳар бир мурожаат қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

ДАВРА СУҲБАТИ

КОНСТИТУЦИЈАВИЙ ИСЛОҲОТЛАРГА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ҚАНДАЙ МУНОСАБАТДА?



Тошкентда “Конституциявий ислохотлар ва фуқаролик жамияти институтлари: тақлиф ва тавсиялар” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон нодавлат нотариат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Конституциявий комиссия аъзолари, олимлар, экспертлар, нодавлат нотариат ташкилотлар вакиллари ва журналистлар иштирок этди.

Конституциявий комиссия раиси А.Саидов, Ўзбекистон нодавлат нотариат ташкилотлари миллий ассоциацияси кенгаши раиси К.Эшонхўжаев ва бошқалар мамлакатимизда амалга оширилаётган конституциявий ислохотлар ҳақида муҳим хушхўш-истаги, эзгу мақсадлари фойдаси, мамлакатимиздаги демократик ислохотларнинг мантикий давоми эканини алоҳида таъкидлади.

Шу боис, бу жараён ҳалқимиз томонидан қизгин қўллаб-қувватланмоқда. Конституциявий комиссияга кенг жамоатчилик томонидан қўлаб тақлиф ва тавсиялар келиб тушяпти. Уз навбатиде, Конституция-

вий комиссия томонидан ҳар бир тақлиф атрофлича ўрганилиши баробарида кенг жамоатчилик, мутахассислар иштирокида ташкил этилаётган очиқ мулоқотларда ҳам кенг муҳокама қилинмоқда.

Бу галги давра суҳбатиде ҳам нодавлат нотариат ташкилотлари вакиллари томонидан келиб тушаётган тақлиф ва тавсиялар ҳусусида фикр алмашилди.

Нодавлат нотариат ташкилотлари конституциявий ислохотларда ҳам фаол иштирок этмоқда. Маълумотларга қўра, ҳудудларда конституциявий ислохотлар тарғиботига бағишлаб ўтказилаётган тадбирлар давомида ННТлари вакиллари ва фуқаролардан Конституцияга ўзгартириш киритишга оид юздан ортиқ тақлифлар келиб тушган.

Уларда Асосий қонунимизда “Жамият — ислохотлар ташаббускори” тамойилини мустаҳкамлаш, ННТлари фаолиятининг конституциявий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, жамоат ташкилотлари макomini кучайтириш масалалари ўз ифодасини топган. Хусусан, ислохотлар жараёнида инсон ҳуқуқи ва манфаатини таъминлаш, “инсон — жамият — давлат” тамойилини ҳаётга татбиқ этиш, оила институтини ривожлантириш, ногиронлиги бўлган шахслар, ёшлар, нурунийларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалаш, экологияга оид масалаларнинг конституциявий ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ҳусусида тақлифлар илгари сурилмоқда.

— Жамиятимизда қизғин давом этаётган конституциявий ислохотларни кенг жамоатчилик, айниқса, ҳалқимиз яқдидлик билан қўллаб-қувватлаётгани қувонарлидир, — деди Ўзбекистон нодавлат нотариат ташкилотлари миллий ассоциацияси кенгаши раиси уринбосари Бахтиёржон Машаринов. — Бу ҳалқимиз, жумладан, нодавлат нотариат ташкилотлари вакиллариининг жамиятдаги ислохотларда фаолиятини англайди. Бугунги тадбирда ҳам пой-тахтимизда ва вилоятларда фаолият юритаётган 40 дан зиёд нодавлат нотариат ташкилотлари вакиллари иштирок этиб, қўлаб тақлифларни илгари сурди.

Давра суҳбатиде фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатимиздаги ислохотларда фаоллигини янада кучайтириш билан боғлиқ қатор тақлифлар айтилди. Билдирилган ҳар бир тақлиф тадбирда иштирок этаётган олимлар, экспертлар, ННТлари вакиллари томонидан муҳокама қилинди, уларнинг ҳуқуқий асослари ва қонунчиликка мослаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Ҳуқуқшунослар, олимлар, тажрибали мутахассислар ва экспертлар муҳокамаасидан ўтган тақлифлар умумлаштирилиб, Конституциявий комиссияга тақдим этилади.

Баҳор ҲАЗРАТҚУЛОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚЛИФ

Адҳам ШОДМОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
Конституциявий комиссия аъзоси

Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясини такомиллаштириш, Асосий қонунимизга айрим ўзгартишлар киритиш бўйича қизғин жараён изчил давом этмоқда. Бу борада барча қатлам вакиллари, сиёсатчилар, мутахассислар, зиёлилар, қўйингки, кенг жамоатчилик фаол бўлиши табиий. Шу ўринда ҳалқимиздан келган ва сараланиб, комиссия томонидан маъқулланган ҳолда, Конституцияимизнинг айнан 53-моддасига киритилиши тавсия қилинаётган нормаларга эътибор қаратмоқчимиз. Зеро, таҳлил гуруҳи томонидан келтирилган, асосланган бу тақлифлар, том маънода, доим меҳнат қилиб, даромад топган, оиласини боқиб билан бирга бошқаларни ҳам иш билан таъминлаган, ўз маблағи ҳисобидан фаолият юритиб, айрим ҳолларда кредит ҳам ололмасдан, инсофсиз рақобатни бошдан кечирган, монопол корхоналарнинг тўсиқларига учраган ўрта синф вакиллари бўлиши тадбиркорларнинг азалий, кўнглидаги орзу-истакларидир.

ИНСОФСИЗ РАҚОБАТ ВА МОНОПОЛАШТИРИШГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

Эътибор қаратсак, Конституциямизда “тадбиркорлик” сўзи атиги иккита моддада учрайди. Шу маънода, қайд этилган моддага “Давлат хусусий тадбиркорлигининг ривожланишига қаратилган инвестициявий муҳитни шакллантириш учун шароит яратида”, “Хусусий мулкнинг кафолатланганлиги, унга нисбатан таъжовў қилиш мумкин эмаслиги, хусусий мулкнинг дахлсиз эканлиги” ҳақидаги нормалар киритилиши кутилмоқда.

Ҳаётда хусусий мулкка нисбатан турли таъжовулар қузилганда, тадбиркорларнинг мулки ёки биноси бузилганда ёхуд жамият манфаатлари учун олиб қўйилган ҳолатларда компенсация — зарарининг ўрнини қоплаш билан боғлиқ масалалар ҳал этилмасдан қолиб кетган пайтлар бўлган. Бу эса уларнинг зарар қўришга, молиявий аҳоли ёмонлашувига олиб келган.

Асосий қонунимизга яна бир янги — “Инсофсиз рақобат ва монополаштиришга йўл қўйилмайди” деган норма киритилиши кутиялган. Бу эса, биринчи навбатда, тадбиркорлар олдида турган энг мураккаб ва кўзга кўринмас тўсиқлар олиб ташланиши, умуман, иқтисодий фаолиятда бунга

йўл қўйилмаслигига қаратилгани билан аҳамиятли. Хориж тажрибасига эътибор қаратсак, Болгария, Венгрия, Грузия, Қозоғистон, Жазоир ва бошқа қўлаб давлатлар конституцияларида ҳам худди шундай меъёрлар мустаҳкамланганига гувоҳ бўламиз.

Мамлакатимизда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси тузилганига келаси йили йиғирма йил тулади. Бу албатта, кичкина муддат эмас. Электратимизнинг асосий вакиллари бўлган тадбиркорлар, ишбилармонлар, фермерлар инсофсиз рақобат бозордаги тенгсизликка олиб келишини жуда яхши тушунади.

Ҳақиқатан, инсофсиз рақобат носоғлом дефинишлар, нарх-навоининг асоси сиз опшишга олиб келади. Шу маънода, шубҳа йўқки, тадбиркорларимиз Асосий қонунимизда бундай нормалар бўлишини кўпдан бери кутаётгани аниқ ва шу каби тақлифларнинг асарияти айнан улардан келиб тушган.

Инсофсиз рақобатга, яъни монополаштиришга йўл қўйилмаслиги мамлакат инвестициявий муҳитини яхшилашда бевосита иштирок этадиган тадбиркорлар учун жуда кат-

та имконият. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқида қайд этилганидек, “Суд хусусий мулк ҳимоясида туриб, фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқларини тиклаш орқали ижро идораларини қонун доирасида ишлашга мажбур қиладиган тизимни яратишимиз зарур. Бу эса жамият тараққийотида, биринчи навбатда, унинг иқтисодий равнақи-га хизмат қилади”. Шунингдек, ишбилармон ва мулкдорлар ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш бўйича қўйилган вазифаларнинг конституциявий кафолатларини кучайтиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Зеро, нафақат йирик, балки кичик корхоналар, тадбиркорлик субъектлари, яқка тартибдаги ишбилармонлар ҳам шу инвестициявий муҳитнинг бир қисми саналади. Бугун мамлакатимизда яқли ички маҳсулотнинг қарийб 58-60 фоизини тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқаряпти. Уларда эса жами иқтисодий фаол аҳолининг 78-82 фоизи ишлайди. Бу қувонарли ҳол, албатта.

Ишончимиз комилки, юртимизда муносиб инвестиция муҳити яратиш ва монополаштиришга йўл қўйилмаслиги, бу борада фундаментал нормаларнинг бевосита Конституциямизда мустаҳкамланиши иқтисодий, инвестициявий муҳитни янада яхшилаш баробарида, экспорт салоҳиятини кучайтириш, жаҳон рейтингда биринчи қирқталикдан жой олишимизга мустаҳкам асос яратади.





www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Жамият

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Тўққиз миллион нуфуснинг дуоси ёхуд чўнг меҳр ифодаси



Она юртга садоқатнинг рамзидир,
Морд йиғишга жасоратнинг
рамзидир.

Ҳам шукрона, қаноатнинг рамзидир,
Байроғинга жоним фибо Ватаним!

...Табиийки, бу шеър ўша кунгидек мактаб ўқувчиларига ўқиб берилган. Ёшлар қалбига Ватанимиз ва миллий рамзларимизга бўлган меҳр-муҳаббат чўғи яна бир бор алангаланди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

ИШТИЁҚҚА ТУРТКИ БЎЛГАН ҲОДИСА

Инсон ҳаётини ўзгартириб юбориш учун баъзан битта гап, бир эзгу ҳаракат кифоя. Утган йиллар бу каби қутлуғ ҳодисаларга ҳар биримиз кўп гувоҳ бўлдик: минглаб уйсиз юртдошларимиз “кичик ватанли” бўлди, маҳалласида иш топиб, фарзандини бекаму кўст тарбиялашди, ҳаёти фаровон бўлишини орзу қилган қишлоқ аёлларига муносиб иш топилиди (буғун уларнинг айримлари тадбиркор — қўшнилари, яқинлари ни ҳам иш билан таъминлаган), қўшни мамлакатлар билан чегаралар очилиб, ота-оналар фарзанди, фарзандлар ота-онаси, яқинлари дийдорига тўйди, фуқароларнинг эркин фикри кадр топди. Муаммолар тингланиб, уларга ечим топилиди. Хуллас, иш кўп, натижасини санаб ўтиришга эса ҳоҳат йўқ.

Фақат мақоламини мавзусидан келиб чиқиб, бир эътирофни келтириш ўринли: **одамларда яхши яшашга, ҳалол меҳнат қилишга иштиёқ кучайди. Рузғорга барака кирди.**

Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани “Уйғонш” МФЙ раиси Рустам Хусановнинг айтишича, маҳалла аҳлининг 1,5 мингдан кўпроги пенсия ёшидаги нуронийлар. Юздан зиёд оила кам таъминланган сифатида ижтимоий кўмак олади. Шу билан бирга, “Темир дафтар” орқали аҳолининг эътиёжманд қисмини қўллаб-қувватлаш йўлга қўйилган. Сўнгги йилларда маҳалла институти фаолияти тақомиллашиб бораётгани аҳоли орасида ишсизлик ва камбағалликни бартараф этиш, оилаларнинг фаровонлигини оширишга замин бўлмоқда. Буларнинг бари ҳам бўлиб, халқимизда яхши яшашга, ҳалол меҳнат қилишга иштиёқни кучайтирмоқда.

Шу маҳалла кайвониси Зулхумор опа Солиева бугунги кунидан миннатдор бўлиб гапирди:

— Президентимизнинг биз, пенсионерларни ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга доимий эътибор қаратаётганидан жуда мамнунмиз. Пенсияларни ўз вақтида олаётимиз. Кексалар соғлиғига эътибор, уларни соғломлаштириш масалалари шифокорлар назоратида. Маҳалла фаоллари тазроқ хонадонимизга келиб, ҳолимиздан хабар олади. Ишсизлар, ёрдамга муҳтожларга кўмак берилади. Энг муҳими, юртимиз тинч, дастурхонимиз тўқин. Буларнинг барчасини кўриб, шу кунларга етказганига минг бор шукр келтирамиз, фарзандларимизга бу ёруғ кунларнинг қадрига етишни ўқитамиз.

Дарвоқе, раис ҳақ гапни айтди. Одамларда яхши яшашга бўлган иштиёқ

кучаймоқда. Бу гапнинг биз ҳикоя қилаётган Президент қарорига ҳам тегишли қисми бор.

Навоий вилояти Нурота тумани “Чўя” қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Отабек Эшмирзаев кам таъминланган сифатида турт боласига нафақа олади. Президентимиз қарорига

ривожлантириш йўналишида **34 та мақсад** янги Ўзбекистон фуқароларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилди. Мана шу рақамнинг ўзиёқ мамлакатда инсон қадри кун сайин юксалиб бораётганидан далолат. Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами



Пенсия ва нафақани пластик карта орқали олувчи фуқароларнинг барчасига (4895 минг фуқарога) 1 триллион 159,5 миллиард сўм ўтказилган. Ўз навбатида, пенсия ва нафақани нақд пулда олувчи 2959,3 минг фуқарога (74,3 фоиз) Халқ банкнинг сайёр кассалари орқали 805,8 миллиард сўм бир марталик моддий ёрдам пули берилган.

— Ушбу маблағ пластик карта орқали пенсия ва нафақа олувчиларнинг карталарига юклаб берилмоқда. Халқ банкнинг жойлардаги филиаллари орқали нақд пул шаклида тўловлар сайёр кассалар орқали амалга ошириляпти, — дейди молия вазири ўринбосари Жамшид Аброев. — Умуман олганда, янги Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кун тартибидан ҳеч қачон тушган эмас. Президентимиз ҳар сафар, ҳар бир йиғилишда ё учрашувда халқни рози қилиш, оддий одамларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарурлиги ҳақида қайгуради.



биноан унинг фарзандларига ҳам 200 минг сўмдан бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди.

Қишлоқ шароитида бу ҳам битта рўзғорга жуда асқатади. Лекин рўзғорга ҳамма нарсаси етиб турибди. Шу боис, Отабек қутилишдан ёрдамдан унумли фойдаланишга қарор қилди. Болали эчки сотиб олди.

— Пул ўтиб кетади. Эчки эса қишга бориб яна болаёлайди, унинг боласи ҳам кейинги йилда яна кўпаяди, қарабсизки, бир эчкимиз, уч-тўрт йилда 10-15 та бўлиб турибди-да, — дейди Отабек. — Фарзандларимга бу эчкини Президент уларга берган пулга олиб келганимни айтиб, туёқ сони қанча кўпайса, ҳаммаси сизларники, дедим. Меҳр билан қараёпти. Шунинг ўзи биз учун катта ёрдам ва бахт-ку.

РАҚАМЛАРГА СИНГГАН ЭЗГУ АМАЛЛАР

Президентимизнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобида “Барча орзу-ниятларимиз, интилишимиз, эзгу амалларимиз, машаққатли меҳнатимиз, кечани-кеча, кундузни-кундуз демасдан амалга ошираётган саяёҳаракатларимиз — ҳамма-хаммаси бизга катта умид билан боқиб турган халқимиз учундир. Бу борада ижтимоий йўналишдаги ислохотларимиз алоҳида аҳамиятга эга, албатта”, деб қайд этилади.

Бу мақсад кўп ўтмай, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ўз аксини топди. Хусусан, стратегиянинг тўртинчи — Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон қатлимини

Давлат пенсиялари миқдори 12 фоизга, ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдори 565 минг сўмдан 633 минг сўмга оширилди.

Учинчидан, 2021 йилдан бошлаб мамлакатимизда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими жорий этилди.

Амалиётга “Минимал истеъмол харажатлар миқдори” (МИХ) тушунчаси киритилди. Ҳозирга қадар МИХ миқдори 2 маротаба эълон қилинди. Энг кам пенсия ва нафақалар МИХга тенглаштирилди. Натижада, энг кам пенсия ва нафақалар миқдори 30-40 фоизга оширилди.

Кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси тўлаш ёши 14 ёшдан 18 ёшга, тўлов муддати эса 6 ойдан 12 ойга узайтирилди.

Президентимизнинг жорий йил 25 майдаги “Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини манзилли қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эса ушбу хайрли ишлар кўламини янада кенгайтирди.

Молия вазирлигининг 3 июнь ҳолати билан эълон қилган маълумотида кўра, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали 4 миллион 647 мингдан зиёд кам таъминланган сифатида моддий ёрдам олувчи оилаларга ҳамда кам таъминланган сифатида болалар нафақасини олувчи оилаларнинг ҳар бир 18 ёшга тўлмаган боласига 200 минг сўмдан моддий ёрдам бериш учун 929,5 миллиард сўм маблағ ажратилган.

Пенсия ва нафақани пластик карта орқали олувчи фуқароларнинг барчасига (4895 минг фуқарога) 1 триллион 159,5 миллиард сўм ўтказилган. Ўз навбатида, пенсия ва нафақани нақд пулда олувчи 2959,3 минг фуқарога (74,3 фоиз) Халқ банкнинг сайёр кассалари орқали 805,8 миллиард сўм бир марталик моддий ёрдам пули берилган.

— Ушбу маблағ пластик карта орқали пенсия ва нафақа олувчиларнинг карталарига юклаб берилмоқда. Халқ банкнинг жойлардаги филиаллари орқали нақд пул шаклида тўловлар сайёр кассалар орқали амалга ошириляпти, — дейди молия вазири ўринбосари Жамшид Аброев. — Умуман олганда, янги Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кун тартибидан ҳеч қачон тушган эмас. Президентимиз ҳар сафар, ҳар бир йиғилишда ё учрашувда халқни рози қилиш, оддий одамларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарурлиги ҳақида қайгуради. Бу, албатта, халқчил ислохотлар самарасида намоеён бўлмоқда. Қолаверса, Президентимиз қарори асосида берилаётган бу галги бир марталик моддий ёрдамини ҳам халқимиз жуда катта меҳр ва хурсандчилик билан қутиб олмақда. Бу бугунги дунёда рўй бераётган глобал иқтисодий муаммолар ва инфляция ўсиши ҳаётида аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоялашда яна бир муҳим қадам бўлди.

Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан маълум қилинишича, бир марталик моддий ёрдам пули пенсия ва нафақалар тўланадиган тартибда автоматик тарзда амалга оширилади. Бунинг учун ҳеч қандай қўшимча ариза ва муурожаат талаб этилмайди. Уйда вақтинча бўлмаган ёки бошқа сабабларга кўра бир марталик моддий ёрдам пулини ўз вақтида ололмаган фуқароларга бу маблағ жорий йил 1 сентябргача тўлаб берилди.

Бундан ташқари, қарорга мувофиқ, “Темир дафтар”га киритилган ҳамда бир марталик моддий ёрдам пулини олмаган эътиёжманд оила аъзоларининг ҳар бирига “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан 20 килограммдан бепул ун тарқатиш назарда тутилган. Бунинг учун туман (шаҳар) ҳокимлиқлари сектор раҳбарлари билан биргаликда ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғини бўйича бир марталик моддий ёрдам олувчини ҳар ҳамда 2022 йил давомида “Темир дафтар”да бўлган оилалар рўйхати шакллантирилади.

**Улуғбек АСРОРОВ,
Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбирлари**

ЎРИК СОЯСИДАГИ ГУРУНГ

Эргаш Жуманбулбул ўғли тўғилиб, яшаган томонларда Тепалик қишлоғи бор. Бу қишлоқда Суннат отани танитмаган одам йўқ. У узоқ йиллар мактабда ўқитувчилик қилган, шогирдлари халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилмоқда. Улар устозини тез-тез йўқлаб туради, ҳеч курса телефон орқали ҳол-аҳвол сўралади...

Туш маҳали. Суннат муаллим ҳовлидаги ўрик дарахти соясидаги тушанчида кўк чой ичиб, газета ўқирди. Кампири телефон кўтариб келди, “Сизни Абдусайд сўраяпти”, деди. Телефон орқали қишлоқ, об-ҳаво, одамлар, иқод ва устозлар ҳақида гурунг кетди.

Бу орада кампири ҳам қуроқ қўрпача устига чўқди. Чолининг пиеласига совиган чойдан қуйиб, ҳўплади.

— Ха, хурсандсиз. Шогирдларингиз телефон қилса, баҳри дилингиз очиларди-я, — деди момо.

— Қайси кун ийтагандим-ку, Президентимиз пенсионерларга пул берапти, деб. Шоир шуни олибди. Хурсанд. Сиз ҳам олгандирсиз, устоз, деб сўраб турган жойи. Давлатимиз раҳбари омон бўлсин, барака топсин...

Устоз-шогирд суҳбатининг инсон руҳиятига хос табиий эҳтиёжлари бор эди.

Биринчиси: одамлар ўз ҳаётидаги ўзгаришлар, яхши янгиликлар шуқуҳини яқинлари билан тезроқ бўлишгиси келади. Бу жараён миннатдорлик туйғуси билан суғорилган бўлади.

Иккинчиси: ҳар қандай хушхабарни биринчи бўлиб етказиш маҳорати. Бу жамиятда кўпроқ инсон “мени” ва иқод-корлик туйғуси билан боғлиқ жараён. Бунда ҳам кўпроқ жамиятдаги фаоллик шакли шамойили юзга чиқади.

Учинчиси: ижтимоийлик эҳтиёжи. Ижтимоий инсонлар (ижтимоий — сергайрат, ҳаракатчан ва тиришчи маъносига) мамлакатдаги сиёсат маҳсули сифатида бўй кўрсатади. Сиёсат қилишлари фаолликка, ҳаракатга ундаяптими, демек, у халқчил олиб бориляпти. Биз одамларда миллий тараққиётимизга ишонч, шукроналик ҳисси ошяпти, дедик. Ҳозир санаганимиз — кишиларни бир-бири билан гаплашишга, ҳол-аҳвол сўрашга ундаган уч эҳтиёжининг ўзи одамларда янги Ўзбекистон ислохотларига ишонч, ҳаётдан розилик, шукроналик ҳисси уйғонганидан далолат.

АСОСЛИ ТУЙҒУЛАР

Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими ва Президентимизнинг биз шарҳлаётган қарори ёшларда ватанпарварлик туйғусини кучайтираётгани ҳам бор гап.

Бунда биз гувоҳи бўлган икки асос бор.

Моддий билан сингган асос: “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган сифатида моддий ёрдам олувчи оилаларга ҳам бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди.

БУГУННИНГ ГАПИ

Ташки иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш ва дунё бозорига чиқишда маҳсулот ёки хизматни халқаро стандартларга мослаштирган тадбиркор ютқазмайди. Бунинг эса ўзига хос талаблари мавжуд. Фаолиятни аккредитациядан ўтказиш ва халқаро сертификатта эга бўлиш энг асосий шартлардан биридир. 9 июнь — Жаҳон аккредитация куни муносабати билан “Ўзбекистон аккредитация маркази” давлат унитар корхонаси директори Ансатхон ЗОКИРОВнинг шу хусусдаги фикрлари билан қизиқдик.

— Халқаро лабораторияларни аккредитациялаш ҳамкорлиги (ILAC) ҳамда Халқаро аккредитация форуми (IAF)нинг 2007 йил 30 октябрда бўлиб ўтган қўшма йиғилишида таъсис этилган мазкур сана халқаро ҳамжамият томонидан 2008 йилдан буён кенг нишонланиб келинади, — дейди А.Зокиров. — Ҳар йили ILAC ва IAF ташаббуси билан Жаҳон аккредитация куни ташки савдо, соғлиқни сақлаш, иқтисодий тараққиёт, экология каби йўналишларга бағишланади. Яъни турли широрлар остида нишонланади. Жорий йилги широр “Аккредитация: барқарор иқтисодий ривожланиш ва атроф-муҳит” бўлиб, у БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига мос тушади.

Бугунги кунда марказимиз томонидан зиммамизга юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, мувофиқликни баҳолаш идоралари ва метрология хизматлари баҳолаш ишлари олиб борилмоқда. Манфаатдор томонлар учун марказ фаолияти, аккреди-

ганмиз. Шунинг учун аксариятимиз деярли аҳамият қаратмаймиз ҳам. Аслида бу эътибор талаб масала. Негаки, сертификат маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи расмий ҳужжат ҳисобланади.

Айталик, истеъмол қилаётган маҳсу-



ция қилиш форуми (IAF)га тўлақонли аъзо сифатида кириши бўйича “йўл харитаси” тасдиқланди. Бошқача айтганда, фармон асосида янги Ўзбекистонда аккредитация қилишни ҳам замона мослаштирайлик, деган ғоя асосидаги ишлар бошланди. Яъни тизимни тўри ташкил этиш, ундан давлат, халқ ҳамда иқтисодиёт учун тўри фойда олиш асосий мақсад қилиб олинди.

Халқаро стандартга эътибор қаратиш фойдали

Бугунги кунда дунё мамлакатлари миллий сифат инфратузилмаси фаолиятида халқаро стандартларга катта эътибор қаратмоқда. Нимага? Гап шундаки, халқаро стандарт билан ишланмаса, ҳеч бир давлат ўз чегарасидан чиқа олмайди.



APAC баҳосининг аҳамияти

Ўзбекистон маҳсулотлари дунё бозорида тан олинishi учун аккредитация идорасининг ўзи тан олинishi керак. Кейинги уч йилда ана шу йўналишда тизимли ишлар олиб борилди. Бунинг самараси ўларок, жорий йилнинг январь-март ойларида APAC — Осиё-Тинч океани аккредитация ташкилотининг саккизта давлат хорижий экспертлари фаолиятимизни баҳолашдан ўтказишди. Уларнинг ижобий хулосалари Халқаро лабораторияларни аккредитация қилиш ташкилоти (ILAC) ва Халқаро аккредитация қилиш форуми (IAF)га берилган. Ҳозир ушбу нуфузли ташкилотларнинг Ўзбекистон аккредитация идорасининг халқаро тан олинishi тўғрисидаги ҳужжати кутиб турибмиз. Насиб қилса, яқин икки-уч ойда ижобий натижа бўлиб қолади. Агар у қўлга киритилса, Ўзбекистоннинг катта ютуғи бўлади. Чунки бу билан бизнинг стандарт белгиларини дунё тан олади. Бошқача айтганда, биз кириб бораётган давлатлар талаблари бўйича синовларни ўзимизда ўтказсак, мувофиқликни тўри баҳоласак, улар бизнинг синов натижаларимизни сўзсиз қабул қилади. Албатта, бундай талаб аввал ҳам бўлган. Фақат бунда тадбиркорларимиз кириб бораётган давлатнинг мувофиқликни баҳолаш идоралари сертификатларини олишига тўри келган. Энди тасаввур қилинг, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотини олиб борган тадбиркор ҳўжжат олиш учун ҳам вақтдан, ҳам маблағдан ютқазсади. Бундай маҳсулотларни эса узоқ муддат сўлаб бўлмайди.

Халқаро лабораторияларни аккредитация қилиш ташкилоти (ILAC) ва Халқаро аккредитация қилиш форуми (IAF) хулосаси ўзбек тадбиркорларининг молиявий ҳаражатлари ва вақтини қисқартиради. Мана шунинг ўзи экспортчи корхоналарга катта ёрдамдир.

Шунингдек, Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига кириш учун уларнинг бир қанча талабларига жавоб бериши керак. Шунлардан бири — Савдодаги техник тўсиқлар тўғрисидаги битимнинг 5-6-моддалари аккредитацияга бағишланган. Фаолиятимиз айнаи вақтда ана шу талабнинг бажарилишига ҳам қаратилган. Айтиш жоизки, бу жараён деярли аяқунланган.

Ташки иқтисодий алоқалар қанчалик кенгайса, давлат ҳам шунчалик ривожланади. Мамлакатимизда аккредитация ва сертификатлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар айнаи шу жиҳатларга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири Дилшод УЛУҒМУРОДОВ ёзиб олди.

АККРЕДИТАЦИЯ ТИЗИМИ: МИЛЛИЙ ЭҲТИЁЖЛАРДАН ХАЛҚАРО ТАЛАБЛАР САРИ



лотларимизнинг хавфсиз ва юқори сифатли эканлиги ишонч ҳосил қилиш ҳар биримиз учун муҳим. Аммо бу маҳсулотнинг хавфсизлиги ва сифати нафақат ишлаб чиқариш корхонасидаги янги асбоб-ускуна ёки замонавий технологияларга, балки маҳсулотнинг белгиланган талабларга мос келишини текшириш, яъни сифатни назорат қилиш жараёнига ҳам боғлиқ. Бунинг учун маҳсулот намуналари махсус синов лабораторияларида меъёрий ҳужжатлар талабларига қанчалик мос келиши синовдан ўтказилади.

Сертификатлаштириш мувофиқликни баҳолашнинг бир кўриниши, холос. Бундай баҳолашнинг турлари жуда кўп. Биз бошда сертификатлаштириш билан чегараланиб қолган бўлсак, тизим такомиллаштирилиб, ишлоқ қилингандан кейин тушундикки, мувофиқликни баҳолаш турларидан қанчалик кўп фойдалансак, маҳсулот рақобатдошлиги, ички бозор ва ўзимизнинг соғлиғимизни шунчалик ҳимоялаймиз, экологияни, атроф-муҳитни асраймиз.

Қайд этганимиздек, муайян маҳсулотга сертификат берилиши учун у олдин синов қўрилиши керак. Мисол учун, бозордан бир килограмм картошка сотиб олдингиз, унинг 5-10 грамм кам ёки кўлиги сотувчи ҳам, харидорга ҳам билинмаслиги мумкин. Лекин шу ҳолатни олтин ёки бошқа қимматбаҳо маҳсулотга қиёслаб кўринг-чи, синов ва сертификат қанчалик аҳамиятли эканини англаб етасиз.

Худди шунингдек, лабораториялардаги синовлар кўпроқ аниқликка қаратилган бўлади. Яъни бунда картошканинг оғирлиги эмас, таркиби аҳамият касб этади. Бу истеъмолчилар саломатлиги учун жуда муҳим. Чунки картошка етиштиришда қўлланладиган қиммий воситалар, албатта, ҳосил таркибига бўлади. Лаборатория синовлари ана шу элементларнинг меъёрдан ортиқ ёки йўқлигини билиш учун зарур.

Замонга мос вазифалар белгиланди

Агар аккредитацияга зарурат бўлмаганда, фаолиятнинг ўзи ҳам керак бўлмасди. Дунёда аккредитациялаш ишларига эзлик йилдан буён, Ўзбекистонда эса утган асрининг 90-йиллари ўрталаридан эътибор берила бошланган. Лекин бизда унга бўлган тушуна ва ёндашувада аккредитация олдиға қўйилган асл мақсаддан оғишлар кузатилди. Бундай камчиликларга Президентимизнинг 2019 йил 10 январдаги фармони туфайли барҳам берилди. Чунки ушбу ҳўжжат билан “Ўзбекистон аккредитация маркази” ДУҚ қайта ташкил этилиб, янги вазифалар ва халқаро ҳамжамият томон йўналишлар белгилан берилди.

Ҳўжжат ижроси доирасида “Ўзбекистон аккредитация маркази” ДУҚнинг Халқаро лабораторияларни аккредитация қилиш ташкилоти (ILAC) ва Халқаро аккреди-

та, деган савол туғилиши мумкин. Сабаби шундаки, мингта аккредитация миллий стандартда қилинган, холос. Бу ички бозоримиз учун амалда бўлган ва ишлаган, лекин четта чиқиш учун ҳеч қандай кўмак кўрсатмаган. Иқтисодиёт ривожини, валюта тушумини кўпайтиришда тадбиркорларнинг хориж бозорларига чиқиши муҳим.

Ўзбекистон дунё учун очилди. Глобализация жараёни давом этмоқда. Бунинг учун мана шундай талабларни таъминлаб берувчи идоранинг ўзи халқаро талабларга жавоб бериши керак. Шу боис, аккредитация халқаро стандартлар асосида ўтказилиши талаби қўйилди. Халқаро стандартлар қабул қилинди.

Умуман олганда, бугун бозорда икки йўналиш пайдо бўлди: халқаро стандарт асосида ёки уни қўлламаган ҳолда ички бозор ва талаб учун ишлаш. Булар, ўз навбатида, тадбиркору ишбилармонларда танлаш имконини оширди. Мисол учун, бугунги кунда кенг қўлланилаётган соҳа бу автомобилларни техник кўрикдан ўтказиш. Ҳамма учун қизик. Албатта, бу соҳа ташки бозорга чиқиш ва хориж бозорида маҳсулот рақобатбардошлиги билан боғлиқ эмас. Шу сабабдан ушбу фаолият билан шўғулланувчилар аккредитация эмас, балки миллий стандарт талаблари асосида маъқуллашдан ўтказилган ҳолда ишламоқда. Олдин автомобилларнинг техник кўриги ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати тизимидаги марказларда ўтказилган бўлса, бугунги кунда 200 дан ортиқ хўсусий сектор субъекти автомобилларни техник кўрикдан ўтказишга ихтисослаштирилди. Ваҳоланки, икки йил олдин бундай хўсусий хизмат кўрсатувчилар битта ҳам бўлмаган.

Бизга қўйилган талаб ҳам аслида шу эди — аккредитацияни тўри амалга ошириш орқали экспортчиларга ёрдам бериш. Яъни биз халқаро стандартлар асосида аккредитация қилган идора томонидан берилган сертификат билан тадбиркор бошқа мамлакат бозорига эркин кириб бормин. Аммо бу тадбиркор учун бозорни очиб беради, деган тушуначадан узоқ бўлишасиз керак. Бу унга кириб бориш имконини беради, холос.

Бир неча йилдан буён турли хасталиклар билан оғриган зарафшонлик София Ортиқовага юрак жарроҳлик амалиётини ўтказиши, учқудуқлик Мусаввар Санокўловага фарзандини, томдilik Аҳмад Абдумуродовга неварасини даволатиши учун йўлланмалар берилди.

Узоқ йиллардан буён хасталик билан курашиб келаётган ихтимойи ҳимояга муҳтож Олмахон Болтаевага жарроҳлик амалиётини ўтказиши учун “Саҳоват ва кўмак” жамғармасидан 43 миллион сўм ажратиладиган бўлди.

Умуман, қабулларда бандлик йўналишида қўллаб инсонларнинг муаммоси ҳал қилинди.

Томди туманида туя жунидан қийим-кечак тайёрлайдиган кичик корхона эгаси Айнара Дўстовага фаолиятини кенгайтириш, янги ускуналарни харид қилиш учун имтиёзли кредит ажратилди.

Халқимиз азалдан йўл қўрганларнинг меҳнатини улуғлайди. Чунки йўл озлаб одамларнинг узоғини яқин, мушкулчини осон қилади. Оммавий қабулларда Автомобиль йўллари қўмитаси масъуллари бу борадаги қатор мурожаатларга ечим топди.

Навбаҳор тумани Дўлдўл маҳалласида яшовчи Бобокўл Ҳилопов мурожаатидан сўнг таъмирга муҳтож маҳалла қўчаларига тош-шағал ва бетон ётқизиладиган бўлди. Энди маҳалладиги 3 мингга яқин аҳоли равои йўлдан ишга-ўқишга бориб келади.

Қабуллар давомида аҳолининг ирригация-мелиорация тизимига тегишли

ОММАВИЙ ҚАБУЛЛАР

ЕЧИМСИЗ МАСАЛА, БИТМАС ИШ БЎЛМАС

Давлатимиз раҳбарининг топшириғи асосида тузилган Республика ишчи гуруҳининг “Оммавий қабуллар уч ойлиғи” доирасида Навоий вилоятидаги оммавий қабуллари ҳам ишчан руҳда ўтди. “Исон қадри учун” ғояси асосидаги бу мулоқотлар майдони вилоят аҳолисига ўзларини ўйлантираётган масалалар юзасидан раҳбарлар билан юзма-юз гаплашиб олиш имконини берди.

Президент Администрацияси масъуллари, Олий суд, Судьялар олий кенгаши, Бош прокуратура, 30 га яқин вазирлик, қўмита ва ташкилотлар раҳбарларининг Навоий шаҳридан 250 километр олинсадаги Зарафшон шаҳрининг Тинчлик маҳалласидан бошланган мулоқотлари Навбаҳор туманининг Кескентерак, Кармана туманининг Зарафшон маҳаллаларида давом этди.

Уч кунлик қабулларда Олий суд ва Судьялар олий кенгаши масъуллари 67 масалани кўриб қилди. Мурожаатлар асосида жиноят ишлари бўйича Кармана, Томди туманлари, Зарафшон шаҳар судлари ташкил қилган сайёр суд мажлисларида 9 шахс жазони ўташдан муддатидан олдин шартли равишда озод қилинди, 9 нафарининг жазоси енгилроғига алмаштирилди.

Фаррух Халилов “Зарафшон голден групп” корхонаси ҳуқуқшуноси. У Олий суд вакилларига мазкур тадбиркорлик субъекти манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида мурожаат этди. Хусусан, Суд ҳукмига қўра, ушбу корхонага 5 миллион сўм молиявий жарима қўлланилган. Бироқ прокурор протестида бу сума 350 миллион этиб белгиланиши келтирилган. Сайёр қабулда ҳуқуқшуно суднинг биринчи ҳукмини ўз қўида қолдиришни сўраб қилган мурожаати апелляция тартибига кўриб чиқилиб, қаноатлантирилди.

Бош прокуратура масъуллари тергов-суриштирув, суд қарорлари ижроси, тадбиркорлик, кредит ажратиш ва

ишга жойлашиш каби масалаларга оид 131 та мурожаатнинг 43 тасини жойида ҳал қилди.

Навбаҳорлик Зиёдулло Камоловнинг ҳам муаммосига шу ерда ечим топилди. Бир қанча вақтдан буён юрак хасталигидан азият чекиб келаётган бу инсонга бепул даволаниши учун йўлланма берилди. Тумандаги яна бир фуқаро — Гавҳар Турсуновага 3 фарзанди учун алимент пули ўқитиладиган, тикувчилик йўналишида касбага ўқитилган ва субсидия асосида тикув машинаси олиб бериладиган бўлди.

Қабулларда мурожаат қилган 20 дан зиёд хотин-қиз Навбаҳор ҳамда Кармана туманларида жойлашган “Қоражон текстиль”, “Жалойир” тикувчилик корхоналарига ишга жойлаштирилди.

Шунингдек, Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Кармана тумани бўлимига мурожаат қилган Санобар Раҳмонова маълум сабаблар билан оиласидаги келишмовчилик туфайли ажралишга қарор қилганди. У ва турмуш ўртоғи ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилган, ажрим ёқасига келиб қолган оила яраштирилди.

Ички ишлар вазирлиги масъуллари қабулларда 144 масалани кўриб чиқиб, уларнинг 61 тасини жойида ҳал қилди.

Хусусан, зарафшонлик 21 ёшли Жомибек Ярашев ички ишлар тизимида ишлаш қўп йиллик орузси эканини айтган, у Зарафшон шаҳридаги Олтин водий маҳалласи профилактика инспектори ёрдамчиси вазифасига ишга қабул қилинди.

Давлат солиқ қўмитаси масъуллари билан мулоқотлардан сўнг зарафшонлик



яна бир тадбиркор Баҳодир Каримовнинг қўшилган қиймат солиғи ва бошқа солиқ тўловлари билан боғлиқ муаммоси ҳал қилинди.

Навоий шахридаги Тинчлик маҳалласида истиқомат қилувчи Норбиби Шаропова ўғлини солиқ тизимига ишга жойлаштириш ва келинига ҳам иш сўраб, мутасаддиларга мурожаат қилди. Унинг бу икки масаласи ҳам ижобий ҳал этиладиган бўлди. Қабул доирасида келини учун субсидия асосида тикув машинаси тақдим этилди.

Оммавий қабулда тадбиркорлар мурожаатлари ҳам тингиланиб, марказий банк раҳбарияти томонидан уларнинг масалалари ижобий ҳал қилинди. Масалан, Холмурод Ҳайитов тадбиркор сифатида 3-4 кишини ишли қилган. Бироқ корхонасини кенгайтириш мақсадида тижорат банкидан сўраган кредити шу вақтга қадар пайсалга солиб келинган. Тадбиркор оммавий қабулда марказий банк мутасаддиларига мурожаат қилиб, мақсадини тушунтирди. Унга 500 миллион сўм кредит ажратилди.

мурожаатлари ҳам ҳал этилди. Жумладан, Сув ҳўжалиги вазирлиги масъуллари ўрганишлари асосида Навбаҳор тумани Юқори Бешарот маҳалласида ўтвучи “Дўлдўл” 55-ирмоғининг 680 метрлик қисмида қазиш-тозалаш ишлари бошланди. Бу билан 230 аҳолининг 12 гектардан ортиқ томорқаси, ўрмон ҳўжалигининг 62 гектар майдони ва “Бешарот ариқ” фермер ҳўжалигининг 25 гектар даласининг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, юқори ҳосилдорликка эришилади.

Навбаҳор тумани Янги ҳаёт маҳалласида яшовчи Бурҳон Пулатов “Узсувтаъминот” масъулларидан ичимлик сув етказиш масаласида амалий ёрдам сўради. Муаммо жойига чиқиб ўрганилган, маҳаллада 7 километрдан зиёд сув қувурлари тортиш ишлари бошланди.

Вилоят ҳокимлиги масъуллари томонидан 200 мурожаат тингиланиб, 58 таси жойида ҳал этилди. Хусусан, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисада тан жароҳати олган 2-гурӯх ноғирони Жалил Темировга моддий ёрдам кўрсатилиб, унинг арили тикувчилик цехига ишга жойлаштирилди.

Қизилтепалик Қўзи Ибрагимов гитар циррози билан оғриб келаётган фарзандида ўтказилиши зарур бўлган жарроҳлик операцияси учун молиявий ёрдам сўраб мурожаат қилди. Вилоят ҳокимининг қарори билан унга 50 миллион сўм ажратиладиган бўлди.

Мулоқотларда аввалги оммавий қабулларда мурожаат ҳал қилингани учун миннатдорлик билдиришга келган фуқаролар ҳам бўлди.

Бир сўз билан айтганда, Республика ишчи гуруҳининг Навоий вилоятидаги оммавий қабулларида 1 минг 713 масала кўриб чиқилиб, уларнинг 743 таси жойида ҳал қилинди. 306 мурожаатчага ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтириш берилган бўлса, қолган 664 масалани ҳал қилиш бўйича аник мўддат ва масъуллар белгиланиб, Президент Администрацияси ҳамда Халқ қабулхоналари томонидан назоратга олинди.

Лутфулла СУВОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



ЎЗЛИК

**Ахмаджон МЕЛИБОЕВ,**
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Дунё дунё бўлганидан буён феъл-атвори, дунёқараш, ахлоқ-одоби бир хил, бир хил фикрлайдиган, бир хил ҳаёт кечирадиган, воқеа-ҳодисаларга бир хил муносабат билдирадиган икки киши бўлган эмас. Бўлмади ҳам. Ҳар кимнинг ўз дунёси, ўз ҳақиқати, амал қиладиган ақидалари, юрадиган йўли, айтадиган гапи, интиладиган манзили, ихлос-этиқоди, шоир сўзи билан айтганда, “сигинадиган мазорлари” бор. Шу хилма-хилликдан буюк умумийлик келиб чиқади.

Тоғ чўққилари бир хил баландликда бўлганда, уларнинг осмонўпар даражадаги салобати ҳеч кимга кўринмас ва сезилмас, тоғ дегани шундай бўлади-да ўзи, дея ҳеч ким ҳатто ҳайратланиб ҳам қўймасди.

Олимплар бир хил даражада илмил, ҳар ёзганлари топилма, ҳар изланишлари оламшумул ихтиро билан тугайдиган ноёб истеъод эгалари бўлганида, уларнинг оддий кўмир қазувчилардан фарқи қолмасди.

Тиббиётчилар кўпдан мавжуд ва янгидан пайдо бўлаётган касалликларни бутунлай даф қила олганларида одамлар “Доктор бор — нима ғамим бор”, дея саломатликларига эътибор бермай қўйган бўларди.

Ҳамма ўз ҳаётини яшайди, ўзи тўғри деб билган ишни қилади. Дунёни юз бор кезиб чиқсангиз ҳам эртаю кеч шахсий ҳато-камчиликларидан гапирадиган, ҳамма кўргуликларини ўзидан кўрадиган, ноҳақ-қўлларидан ҳижолат тортадиган бирорта тирик жонни учрата олмайсиз. Турфа хиллигининг бу ғаройиб занжирини узиш қийин. Лекин...

Ҳеч бир истисносиз каттаю кичик, яхшию ёмон, ишончлию ишончсиз, ўғрию тўғри, ишбилармону ношуд — ҳамма-ҳаммани қандай бўлса, шундайлигича қабул қилиш қийин, аммо тушунса бўлади. “Одамлар бир-бирларини тушунганларида эди, дунё бу қадар шафқатсиз бўлмас-миди”, деган гап бор. “Мени эшитганингиз учун раҳмат”, деган гап ҳам кўпчилигимизга таниш.

Бир гал водий сафарига бораётиб, поезд вагонидан бир йигит билан ёнма-ён ўтириб қолдим. Ундан эшитганларимни ҳикоя тарзида қоғозга туширишдан ўзимни тийман — қайси бир жойларини бузиб қўйишим мумкин. Шу боис, унинг ноёб ҳикоясини қандай эшитган бўлсам, шундай келтиришмоқчиман:

“Дадам Россияга ишлагани кетиб қайтиб келмади. Тирикми-йўқми, ҳеч ким билмайди. Кейинроқ ўша ёқда уйланиб олганини эшитдик. Онам касалманд эди. Икки укам бор, ейман-ичаман, дейди.



2017 йили мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида шундай бурилиш юз берди. Халқ билан бевосита мулоқот қилиш, одамларнинг орзу-истаклари, фикр-мулоҳазалари, иқтисодий, маънавий ва бошқа эҳтиёжларидан бохабар бўлиш, бунинг учун жойларда халқ қабулхоналари фаолиятини йўлга қўйиш, жамиятнинг ҳар бир аъзоси фикрига қулоқ тутиш, собиқ тузум шароити кадрлари, турли диний эътиқод эгалари, адашганларни тушуниб, тўғри йўлга ўтганларга тоқатлилиқ, кечиримлилиқ Президент Шавкат Мирзиёев бошлаган янги сиёсатнинг ўзақ йўналишларидан бирига айланди.

ИНСОН ҚАДРИ



ўринлими-ўринсизми, ўзимизнинг тор қарашларимизни ўтказамиз, қанчадан-қанча ечимлар, таклифу ташаббуслар рўёбга чиқмай қолиб кетади. Эшитиш, тинглаш керак, дейилганда фақат нурунийлар, устозлар кўзда тутилмайди. Уларнинг бой ҳаётий тажрибасини инкор этмаган ҳолда, ёшларни, ҳатто қаери оғриётганини айтиб беролмайдиган болаларни ҳам тинглаш керак. Бекатда музқаймоқ еб ўтирган она-болани кўрдим. Автобус келди. Она қўлидаги қоғозни ерга улоқтирди, қизчаси бўлса махсус идишга ташлади. Шу қизалоқдан ҳам бир нималарни ўрганса бўлади.

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари арафасида телевидениеда намойиш этилган бир лавҳани тез-тез эслаб турман. Болтиқбўйи давлатларида собиқ иттифокдан ажралиб чиқиш ҳаракатлари бошланган кезлар. Иттифок раҳбари М.Горбачёв у ерга бориб, одамлар, ёшлар билан гаплашди. Шаҳар кўчаларидан бирда иттифок марказидан келган меҳмонларнинг кўзи йўл четида йиғилмасираб турган болага тушади. М.Горбачёв унга энгашиб: “Нега йиғлаясан, болакай, сенга нима керак?”, деди. Бола бошини кўтариб, “Менга озодлик керак”, деди. Шу талбатига сўз “эр билан қурилган иморат”нинг таназзулини тезлаштириб юборди, дейиш мумкин.

Илмда инсоний маданиятнинг ҳамма жиҳатлари мавжуд — сўзлаш одоби, баҳс-мунозара, каттани кичик олдига изза қилмаслик, сабр-тоқат, мурося маданияти, аммо бошқаларни тинглаш, фикрини эшитиш, танқидий мушоҳадаларига эътибор масаласида бирмунча оқсоқлик бор. Бир китобда ўқиганман: “Боши берк кўчага кириб қолган киши хафа бўлмасин, чунки бу янглишиш унга тўғри йўлни топишда ёрдам беради”. Демак, фақат бир томонни эшитиш, бир неча кишининггина фикри билан иш тутиш қўтилган натижага олиб келмаслиги мумкин, иккинчи, учинчи томонларни ҳам эътибор билан тинглаш керак, фуқароларига ўз фикрини эмин-эркин баён қилиш имконини берган жамиятнинг тараққиётга ўз бурди.

2017 йили мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида шундай бурилиш юз берди. Халқ билан бевосита мулоқот қилиш, одамларнинг орзу-истаклари, фикр-мулоҳазалари, иқтисодий, маънавий ва бошқа эҳтиёжларидан бохабар бўлиш, бунинг учун жойларда халқ қабулхоналари фаолиятини йўлга қўйиш, жамиятнинг ҳар бир аъзоси фикрига қулоқ тутиш, собиқ тузум шароити кадрлари, турли диний эътиқод эгалари, адашганларни тушуниб, тўғри йўлга ўтганларга тоқатлилиқ, кечиримлилиқ Президент Шавкат Мирзиёев бошлаган янги сиёсатнинг ўзақ йўналишларидан бирига айланди. Ҳар бир киши бу ёруғ оламда ўтаётган ҳаётидан рози бўлиб яшасин, жамиятнинг ҳар аъзоси ўзига яраша кадр-қимматга, обрў-эътиборга, моддий ва маънавий сийловга эга бўлсин. Ақл-заковати, ишбилармонлиги билан топган хусусий мулкига, фарзандларига

қолдираётган меросига ҳеч ким кўз олай-тирмасин, деган шior ўртага ташланди.

Инсон қадр-қиммати, шаън-шавкати, фахр-ифтихори билан боғлиқ бу ва бошқа ислохотлар жамиятда ижтимоий фаоллик, Ватан ва миллат тақдирига дахлдорлик муҳитини юзага келтирди. Бу муҳитдан ҳуқуқий маданият, ўзликини англаш, бурчга содиқлик келиб чиқди ва улар ҳаётий заруратга айланди. Бунинг маъноси шуки, жамият янгилаётган экан, бу жараён одамлар онгидан янгилашлар-сиз кечмайди. Онг инсоннинг жамиятдаги ўрни, қадр-қиммати, яшаш тарзи билан боғлиқ. Бир вақтлар “Ҳамма яхши нарсалар — болаларга!”, деган шior бўларди. Албатта, шундай. Аммо миллий юксалиш йўлига ўтган жамиятда “Жамики сайй-ҳаракатлар, ижтимоий-маънавий сарф-харажатлар, мақсад-муддао — аввало, инсон, унинг камолоти ва розилиги учун!”, деган шior бўлиши керак. Бу шior замирида ижтимоий адолат тушунчаси ётади.

Бирор корхонада меҳнат қилаётган ҳатто оддий ходим ҳам меҳнати, тажрибаси, изланишлари кадрланаётганини ҳис этса, фикр-мулоҳазалари тингланаётганини, таклифлари эътиборга олинаётганини сезса, айна шу жамоя учун кераклигини англаса, ўзига, бурч ва масъулиятига нисбатан талабчанлиги ошади.

Бугун мамлакатимизда янги Ўзбекистоннинг янада мукаммал Конституциясини яратиш ҳаракатлари бошланди. Ҳозирнинг ўзида эътиборга молик жуда кўп тақлифлар келиб тушгани айтилмоқда. Ишончим комилки, уларнинг энг мақбуллари умумхалқ муҳокамасига қўйилади ва қабул қилинади, албатта. Тасаввур қилинг: ўша қабул қилинган тақлифлар орасида сизнинг тақлифингиз ҳам бўлиши мумкин. Шундай бўлса, бу фахрни қандай қабул қиласиз? Демак, сиз жамиятнинг эмин-эркин, фаол, куюнчақ, айна чорда керакли аъзосисиз. Фикр айтиш, тақлиф киритиш, нималаринидир янгилаш, ўзгартириш, таҳлил қилиш, рад этиш имкониятига эгасиз. Фикрлаётган, инсон мақомида ашаётган одамсиз. Жамият сизни шундай даражага кўтарди, бундай қадрдан чексиз фахрдасиз.

Собиқ тузум таназзули ҳақида кўп ёзилди, аммо унинг бир хатосини тақрор-тақрор айтишдан чарчамаслигимиз керак. Бу тузум инсонни қадрлай олмади, англашга интилмади. Ҳазрати инсон даражасига кўтариш ўрнига қулдек ишлатди, ҳўп-ҳўпчиликка ўргатди, аммо қозонидан хабар олмади. Биз, иқдоркорлар ҳам қараб турмадик: уйдаги касал боласини ташлаб, бир туپ гўза ниҳоли атрофидан гиргиттон бўлаётган пахтакор оналар ҳақида очерклар ёздик. Шерлар тўқидик, қўшиқ қуйладик.

Тузум ўз таназзулини ўзи яратди. “Қорнимга эмас, қадримга йиғлайман”, деган нолаларга гувоҳ бўлдик. Раҳматли дадам “Ҳар ишни “Бисмиллоҳ” деб бошлайдиган замон келармикан”, деб ўтиб кетдилар. Ҳайит намози чала қолган, жойнамозлар йиғиштириб отилган, қозонда қайнаб турган сумалак устига белқуракда тупроқ сочилган пайтларни кўрдик. Бу ҳақда яна кўп ёзиш мумкин.

Буларнинг ҳаммаси ортда қолгани рост бўлсин...

ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНГА ҚАНОТ БЎЛАМИЗ!” шиори остида ўтган республика танлови якунланди

Мамлакатимизда ҳарбий таълимни такомиллаштириш, ёш авлодини ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, бой тарихий меросимизни ўрганиш, маънавий бўйича танловлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, Президентимизнинг 2022 йил 7 январь куни Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий таълим муассасаларига таширфи давомида берилган топшириқлар бўйича “Темурбеклар мактаби” ва “Ёш чегарачилар” ҳарбий-академик лицейлари ўртасида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, ватанпарварлик руҳини янада кучайтиришга қаратилган “Янги Ўзбекистонга

қанот бўламыз!” шiori остида “Энг намунали таълим муассасаси”, “Энг намунали ўқитувчи”, “Энг намунали ўқувчи” танловлари ўтказилиши ҳам бунинг амалдаги ифодасидир.

Жорий йил апрель ойида ҳудудий танловларда жойлардаги “Темурбеклар мактаби”, “Ёш чегарачилар” ҳарбий-академик лицейларидан жами 120 нафар ўқитувчи ва 850 нафар ўқувчи ўзаро

беллашди. 7-8 июнь кунлари эса республика босқичида саралашдан ўтган 6 та таълим муассасаси, 6 нафардан ўқитувчи ва ўқувчи иштирок этди.

Танлов жараёнида иштирокчиларнинг ҳарбий-академик лицейлар ва уларнинг ўқитувчи ва ўқувчиларида узлуқсиз маънавий-маърифий тарбия ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этишнинг стратегик йўналишлари, таъсирчан, креатив ва инновацион услублар ишлаб чиқиб амалиётга қўллаш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш бўйича амалга оширган ишлари

эътиборга олиниб, белгиланган шартлар бўйича баҳоланди.

Жумладан, “Энг намунали ўқитувчи” танловидан уларнинг машғулоти ташкил этиши, унинг мазмун, педагогик маданияти, ўқитиш методикаси, фаолият самарадорлиги ҳамда мактабдан ташқари фаолиятидаги ютуқлари алоҳида эътиборга олинди. Шунингдек, “Энг намунали ўқувчи” танловидан “Китобхонлик”, “Тест саволлари”, “Темур тузуқлари билимдони”, “Шахсий фасилатларни баҳолаш” ҳамда “Амир Темур образини яратиш” сингари шартлар ҳам ўрин олган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 1854
85744 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона маънавл: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Абдурауф Қоржоев
Мусаххас: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА якуни — 00:30 Топширилди — 01:20

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДУК

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Тахририятга келган қўлғемалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобдор.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz